20 ДЕК 1991

Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 243 (21. 109) 1991 йил 17 декабрь сешанба

Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Туркия Жумҳуриятининг Президенти Турғут Озал таклифига биноан 1991 йил 16—19 декабрда расмий визит билан Туркияга ташриф буюришини аввал маълум қилган эдик. Кеча тонгда Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси Тошкентдан Анқарага жўнаб кетди.

Расмий делегация таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Д. Н. Шамшетов, республика матбуот давлат комитетининг раиси У. А. Абдураззоқов, ишбилармонлар уюшмаси раиси М. К. Жўраев, ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг актёри, СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов, республика алоқа вазири К. Р. Раҳимов, ташқи савдо ва чет мамлакатлар билан алоқалар давлат комитетининг раиси Ў. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот қўмитасининг раиси Э. Х. Халилов, бошқа расмий кишилар бор.

«Тошкент—2» тайёрагоҳида расмий делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А. И. Фозилбеков ва бошқалар кузатиб қолдилар.

Делегация парвози олдидан Ислом Абдуғаниевич журналистларнинг саволларига жавоб бера туриб, бугалги расмий ташриф Европа ва Осиё қитъалари ўртасида жойлашган гўзал ва ажойиб мамлакат Туркия Жумҳуриятига бўлаётганлиги, бу мамлакатнинг мустақил Ўзбекистон учун кўп томонлама ибрат эканлигини таъкидлади. Сафар чоғида ҳар икки томон ўртасида иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш, маданий ҳамкорликни авж олдириш масалалари кенг муҳокама қилинади.

И. А. Каримов «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбирининг саволига ҳам жавоб қайтарди. У Туркияга бўлаётган расмий ташриф ҳаммамизга катта ғурур бахш этиши, бу ташриф мустақил, тенг асосларда, ҳеч қандай четдан бўладиган аралашувларсиз амалга ошаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Биз тили, дини бир бўлган қонқардош халққа қизғин саломлар ва эзгу мақсадлар билан боряпмиз, деди делегация раҳбари.

А. АБДУБАННОЮВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» УЧУН РАСУЛ РАҲМОНОВ ТУРКИЯ ПОЙТАХТИ АНҚАРАДАН ХАБАР БЕРАДИ

ОЛИЙ ДАРАЖАДА КУТИБ ОЛИШДИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

16 декабрь куни тонг билан Тошкентдан кўтарилган ҳаво кемаси Туркия пойтахти Анқаранинг Эсенбога тайёрагоҳига қўнди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бошчилигидаги расмий делегацияни ва унга ҳамроҳ бўлиб келган меҳмонларни Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Озал, ташқи ишлар вазири Хикмет Четин, бошқа расмий кишилар кутиб олди. Туркия, СССР ва Ўзбекистон давлат байроқлари билан безатилган учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди. Тайёрагоҳда икки қардош давлат бошлиқлари қисқача фикр алмашиб, ўз учрашувларидан кўзланаётган мақсадларни баён этишди.

Ислом Каримов ҳозир бўлган мезбонларга Ўзбекистон халқининг самимий саломларини етказиб, Туркия диёрига катта умидлар билан ташриф буюришганини айтди. Ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос тушадиган ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, консуллик ваколатларини айирбошлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида Туркия Жумҳурияти Президенти Турғут Озал Ўзбекистон делегацияси бошлиғининг ҳаяжон тўла самимий сўзлари учун миннатдорчилик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги умумий сарҳадларимиз йўқлигига қарамай икки дўст ва қардош, қондош ва жондош Туркия билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳаларда фойдали алоқалар янада ривожланишига ишонч билдирди.

Туркия Жумҳурияти Президенти муштарак маданиятга ва тарихий меросга эга бўлган Ўзбекистон халқи вакилларининг Туркияга ташрифидан ғоят миннатдор ва шод эканлигини айтди. Бу учрашув икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш сари яна бир қадам эканлигини таъкидлади.

Шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг ташқи дунёга чиқиш сари қўйилган қутлуғ қадами бошланди.

Янги қадам қутлуғ бўлсин, азизлар!

ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ:

ТОШКЕНТ—ИСТАМБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркияга қиладиган сафари олдидан Республика фуқаро авиацияси ўзига хос туҳфа ҳозирлади.

Ўзбекистон фуқаро авиациясининг халқаро йўллари яна биттага кўпайдиган бўлди. Тошкент аэропортидан мустақил Ўзбекистоннинг давлат байроғи янглиғ зангори, оқ рангларга бўялган «ТУ—154» ҳаво кемаси Истамбулга қараб парвоз қилади. Бундай парвозлар мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, ҳафтасига бир марта амалга оширилади.

Ҳозирча ҳаво кемалари хорижга «Аэрофлот» байроғи остида учмоқда. Кейинчалик бундай парвозлар билан боғлиқ киримчиқимларни мустақил республиканинг фуқаро авиацияси ўз зиммасига олишни мўлжаллаб турибди. Истамбулгача бўлган парвоз эса тўрт ярим соат давом этиб, бир йўла юзлаб кишилар сафарга отланиши мумкин.

М. АНВАРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

14 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг учинчи пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Ҳозирги ижтимоий-сиёсий танглик шароитида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расўлов маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби Э. М. Рўзиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Урганч шаҳар кенгашининг биринчи котиби Б. Бобожонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. С. Азимов, «Қаршистрой» бирлашмаси партия ташкилотининг котиби А. Н. Олейник, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов, Фарғона районидаги 3-район касалхонаси врачи З. Ф. Мўминова, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Юсупов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят кенгашининг иккинчи котиби А. А. Мирсалимов, Учқудуқ шаҳридаги Шимолий кон бошқармаси партия ташкилотининг котиби Т. Б. Атбайларов сўзга чиқдилар.

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш юзасидан биринчи навбатда кўрадиган чора-тадбирларини белгилади.

Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарикнинг партиянинг мулкий масалалари бўйича ахборотини тинглади ҳамда Марказий Кенгашнинг бу ҳақдаги махсус қарорини қабул қилди.

Пленум «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленуми қатнашчиларининг республиканинг барча меҳнаткашлари ва аҳолисига, партия аъзоларига сайловолди мурожаати»ни қабул қилди.

Шу билан пленум ўз ишини тугатди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИ ВА АҲОЛИСИГА, ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз юртдошлар!

Ўзбек халқи, республикамизнинг фуқаролари ҳаётида муҳим тарихий давр бошланди. Халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган миллий истиқлолнинг дастлабки одимлари қўйилмоқда. Ўзининг қўҳна ва бой тарихига эга, жаҳонга машҳур алломаларни берган жонажон Ўзбекистонимизнинг дунё халқлари оиласида муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан шу йилнинг 29 декабрига белгиланган республика Президенти биринчи умумхалқ сайлови ҳамда Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги борасидаги референдуми ана шу ҳаётбахш жараённинг илк меваларидир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг 19 ноябрь куни бўлиб ўтган пленуми партиямиз раиси И. А. Каримовни бир овоздан республика Президенти лавозимига сайлаш учун номзод қилиб кўрсатди. Ўзбекистонда сўнгги икки йилдан кўпроқ давр ичида қўлга киритилган муайян ютуқлар Ислом Абдуғаниевич номи билан боғлиқ эканлигини республикамиз аҳолиси ҳар тарафлама ҳис этиб турибди.

Миллий мустақиллигимиз ва унинг тўла-тўкис мустаҳкамлаш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш зарурияти олдимизга ўз ечимини кутаётган бир талай жиддий муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу эса ҳаммамиздан Ўзбекистондаги ижтимоий барқарорлик, элимиздаги фуқаролар тинчлиги ва миллатлар тотувлиги йўлидан оғишмай олға боришимизни талаб этмоқда. Зеро, И. А. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлашни худди ана шу мақсадларга, соф ниятли ва жабрдийда халқимизнинг манфаатларига тамомила мос деб биламиз.

Ислом Абдуғаниевич республикага раҳбарлик қилаётган қисқа муддат ичида халқимиз тарихий тақдирига бевосита алоқадор ўта муҳим қадамлар қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, аҳолини, хусусан унинг ночор табақаларини мураккаб иқтисодий вазиятда ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида кўрилаётган аниқ чора-тадбирлар, ҳаётимизда демократик жараёнларнинг тобора чуқур илдиз отиб бораётганлиги, фуқаролар осойишталиги, миллатлар тотувлиги, юртимизнинг тинчлигини таъминлаш борасида қилинаётган собитқадам сиёсат, азалий миллий урф-одат ва анъаналаримиз, қадимий маданий меросимизнинг тикланаётганлиги, фан, маърифат, ёшлар тарбиясига берилаётган эътибор, собиқ иттифоқдош республикалар — бугунги мустақил давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш соҳасида қилинаётган амалий ишлар, ўзбек давлатининг халқаро майдонда дастлабки самарали қадамларини қўя бошлаганлиги ана шулар жумласидандир.

Мана шу чуқур ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларни рўёбга чиқишида И. А. Каримовга хос узоқни кўра билиш, юксак ташкилотчилик маҳорати, ўта ишчанлик, фидойилик, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлик, дадиллик ва шижоат, камтарлик, адолатпарварлик, инсонийлик, байналмилалчилик, бағрикенглик, бамаслаҳат иш қилиш каби фазилатларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ўзбек халқига, ҳур диёримизда истиқомат қилувчи барча фуқароларга, уларнинг миллати, элати, насл-насаби, жинси ва эътиқодидан қатъи назар муносиб турмуш шароити яратиш истиқболларидан келиб чиқиб, узоқ тарихимизнинг ҳозирги ўта мураккаб ва қийин даврида, масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда биз республика меҳнаткашлари ва аҳолисига, Ўзбекистон ХДП барча аъзоларига мурожаат этамиз:

Азиз юртдошлар! Отахон ва онахонлар! Меҳнат ва уруш фахрийлари! Опалар-сингиллар! Акалар ва укалар! Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг аъзолари! Ўзбек элининг келажаги бўлмиш ёшлар! Келинг, Президент сайловини, Ўзбекистон Давлат мустақиллиги референдумини фуқаролик ягдиллигимиз рамзига айлантирайлик.

Олдинда янги иқтисодий муносабатларга ўтиш даврининг дастлабки муҳим босқичи, қаҳратон қишнинг қорли-қировли палласидан эсон-омон ўтиб олиш ташвишлари турибди. Мураккаб синов давридан ўтиб олишда ҳаммамиз янада фаолроқ бўлайлик. Бир-биримизни ҳурмат қилайлик, бирлашайлик, ҳамдард, ғамхўр бўлайлик! Бу фаоллик, бу ҳамжиҳатлик Президент сайловларида И. А. Каримов номзодини ягдиллик билан қўллаб-қувватлашимизда намоён бўлсин. Иккиланмайлик, дадил бўлайлик, зеро, халқимиз мард ва иродали, у барча қийинчиликларни фидойилик ва ишбилармонлик билан албатта енгади. Ёруғ кунлар бизга ҳам насиб этгусидир.

Сайлов халқимизнинг донолигини, уни чин демократия тарафдори эканлигини, сиёсий маданияти муттасил ўсиб бораётганлигини кенг намойиш этсин. Республикамиз мустақиллиги, барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилсин.

Озод ўзбек элининг ватанпарварлари! Референдумда Ўзбекистон Давлат мустақиллигини маъқуллайлик! Ислом Каримовни муносиб номзод сифатида мустақил Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ Президенти этиб сайлайлик!

Жонажон юртимиз гуллаб-яшнасин! Ҳур Ўзбекистонимизнинг номи асрлар оша жаҳон узра мағрур янграсин!

Ҳамма сайловга!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ 1991 ЙИЛДА ТАБИИЙ ОФАТЛАРДАН ЗАРАР КЎРГАН ПАХТАКОР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг табиий офатлар сабабли бу йилги пахта тайёрлаш топшириқларини бажармаган пахтакор колхозлари, совхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ижроия комитети Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддат ичида 1991 йилнинг апрель—май ойларида табиий офатлардан зарар кўрган пахтакор хўжаликлар аниқлансин ва уларнинг рўйхати Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тасдиқлансин.

2. Ана шу хўжаликларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 30 сентябрдаги Фармони асосида тасдиқланган тартибга мувофиқ 1991 йилги пахта ҳосилидан ишлаб чиқилган пахта толаси амалдаги ҳажмининг 5 фоизигача ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН УКРАИНАНИНГ ШАРТНОМАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Украина Олий Кенгашининг Раиси, ҳозирги Президенти Л. М. Кравчук шу йил 28 октябрь куни Тошкентда «Украина билан Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро муносабатлари асослари тўғрисида»ги шартномани имзолаган эдилар. Украина Олий Кенгаши шу шартномани тасдиқлади.

Украина парламентининг бу иши — рўй бераётган нотекис жараёнларга қарамай, мустақил Украина давлати Ўзбекистон билан анъанавий тенг ҳуқуқли ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга содиқлигини қатъий ва изчил тасдиқлаганидан далолатдир.

(ЎзТАГ).

СЕМИНАР—КЕНГАШ

13 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида ушбу партия Қорақалпоғистон Республика, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари иккинчи котиблари, ички партиявий ишлар, ташвиқот ва тарғибот бўлимлари мудирлари, ягона партия билети ва партия кадрларини ҳисобга олиш шўъбалари мудирларининг семинар—кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар—кенгашни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов кириш сўзи билан очиб, партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

— Ҳозирги мураккаб даврнинг ўзи янгидан-янги масалаларни ўртага ташлаяпти. Уларга тайёр жавоб йўқ. Шу боис бугунги семинар—кенгашни ўтказишдан мақсад ҳам уларга биргаликда жавоб топишга ҳаракат қилишдан иборат, — деб таъкидлади у.

— Зеро, ўзаро фикр алмашув ҳаёт ўртага ташлаётган муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби А. Х. Саидов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури асосий мақсадларини, ХДП Марказий Кенгаши таҳлил ва тахмин гуруҳининг мудири М. Л. Ельшов эса ХДП Низоми қоидаларини ҳаётга, ички партиявий турмушга тадбиқ этиш йўллари масалалари хусусида маъруза қилдилар. Улар семинар—кенгаш қатнашчиларининг кўпгина саволларига батафсил жавоб бердилар.

Партия ҳужжатлари намуналарини тайёрлашнинг бориши, ички партиявий ахборотни ташкил этиш ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, вилоят, район, шаҳар кенгашларининг биргаликдаги муштарак ҳаракат қоидалари тўғрисида ХДП Марказий Кенгаши Ички партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари А. М. Акромхўжаев тўхталиб ўтди.

Семинар—кенгаш қатнашчилари кадрлар, партия ички турмушининг бошқа масалалари бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Норматив-методик ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан мунозара ҳам бўлди. Шунингдек «Узинкомбанк» бошқаруви раиси Ҳ. И. Икромов банк муассасалари фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлигининг амалий масалаларига оид ўз фикр мулоҳазаларини семинар—кенгаш қатнашчилари ҳузурида баён этди. Семинар—кенгашни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби А. Н. Носиров олиб борди.

А. РЎЗИЕВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Комитетининг III Пленуми

ҲОЗИРГИ ИЖТИМОИЙ—СИЁСИЙ ТАНГЛИК ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. РАСУЛОВнинг маърузаси

Ҳурматли ўртоқлар!

Турмуш тақозосига кўра, партиямизнинг қад ростлаш даври ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазият мураккаблашган, жамиятда танглик ҳоллари ошиб бораётган пайтга тўғри келмоқда. Амалда бизга бамайлихотир ишлаш учун вақт йўқ ва биз бунга умид ҳам қилмаган эдик.

Парламентда кўпчиликни ташкил этган партия сифатида биз Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини ташвишга солаётган қийин саволларга жавоб топиш ва жумҳуриятимизни танглик ҳолатидан ҳалос қилиш учун ўзимизнинг бутун таъсир кучимиздан фойдаланишимиз керак бўлади.

Албатта, илгариги Иттифоқнинг аксарият халқлари ҳозир бошдан кечираётган кўплаб ижтимоий силсилалар нуқтаи назаридан қараганда Ўзбекистон нисбатан барқарорлик ҳукм сураётган музофотлардан биридир. Лекин бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Зотан, биз биқиқ маконда яшаётганимиз йўқ. Бошқа музофотлар учун хос бўлган воқеалар у ёки бу даражада Ўзбекистонда ҳам акс этмоқда.

Умуман олганда, жумҳуриятдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, бизнингча, қуйидаги омиллар таъсирида юзага келмоқда.

Биринчи, Унитар иттифоқнинг парчаланиши ва марказнинг воқеалар ривожига таъсир кўрсатиш қобилияти узил-кесил барҳам топганлиги ҳақиқатга айланди. Шу жараён билан боғлиқ воқеалар тобора фожиавий тус олмоқда. Бир қатор музофотларда фуқаролар уруши бошланиш хавфи етилмоқда.

Иккинчи. Ягона иқтисодий макон ва бозор иқтисодиёти шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар мураккаб ва қарама-қарши тарзда ривожланмоқда. Чуқур иқтисодий танглик кўзга ташланмоқда. У пулнинг қадрсизланиши, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши, ялпи тақчиллик, шундай ҳам паст бўлган турмуш савиясининг янада ночорлашиши тарзида намоён бўлмоқда.

Учинчи. Халқларнинг миллий ҳис-туйғуларига тегадиган гап-сўзлар бир қатор марказий нашрлар саҳифаларида жуда ҳунук тус олмоқда. Баъзи бир журналистлар кишиларни миллий мансублиги нуқтаи назаридан бир-бирига қарши қўйишмоқда, жумҳуриятларни «славян», «мусулмон» ва ҳоказо тоифаларга бўлмоқда.

Тўртинчи. Айрим сиёсий кучлар ўзларининг сиёсий иззат-нафсларини қондиришга, республикадаги қийинчиликларни пеш қилиб унинг раҳбариятига бўлган ишончга соя солишга уринмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси кишиларда ўз келажаги учун ташвиш уйғотмоқда. Жамиятда кескинлик кучайишига олиб келмоқда.

Хуллас, вазият Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотлари ва сайлаб қўйиладиган органларидан аниқ нуқтаи назар, пухта ўйланган қарорлар ва масъул ҳаракатларни тақозо этади. Сиёсий ислоҳот комитети умид қиладики, бизнинг жамоа кенгашимиз Дастуримиздан келиб чиққан ҳолда партия олдида турган асосий йўналишларни аниқлайди ва келажак фаолиятимизнинг устивор вазифаларини ҳал этишнинг йўлларини топади.

Бугунги асосий вазифамиз кишиларга шиддат билан ўзгариб бораётган шароитда тўғри йўл топишга кўмаклашишдир. Биз ўз нуқтаи назаримизни тушунтириш ва тадбиқ қилиш учун қонун доирасидаги барча имкониятлардан тўла фойдаланишимиз зарур. Бу жумҳуриятимизда фуқаролар ўртасидаги осойишталик ва миллий муросани сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зарурдир.

Иттифоқ тақдири юзасидан бизнинг нуқтаи назаримизга келсак, партия Дастурида баён қилинган бу борадаги равшан қоидалар ҳаммага маълум. Биз иқтисодий ҳамкорлик. ҳақидаги Шартномани дангал қўллаб-қувватладик. Лекин вазият тез ўзгариб бормоқда. Ҳисобга олиш зарур бўлган янги қирралар юзага келмоқда. Марказнинг ноқобил сиёсати, унинг жумҳуриятлар мустақиллиги шаклланиши билан боғлиқ жараёнларни ҳисобга олишни истамаганлиги чуқур сиёсий тангликка олиб келди.

Бундай шароитда илгариги Иттифоқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни давлатлараро шартномалар, келишувлар асосида тартибга солиш эҳтиёжи заруратга айланди. Маълумки, Ўзбекистон Жумҳурияти Россия, Украина, Белорусь, Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Озарбайжон билан тегишли ҳужжатлар имзолади. Икки томонлама алоқаларни ривожлантириш жараёни давом этмоқда. Биз уни ижобий ҳол, деб баҳолаймиз. Партия ташкилотлари жойларда жумҳуриятимиз раҳбарларининг нуқтаи назарларини фаол қўллаб-қувватлашлари айни муддао бўлур эди. Улар халқлар ўртасида дўстликни ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан ишни авж олдириб юборишлари лозим.

Биз Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиқларининг Ашхобод шаҳрида имзолаган Баёнотини қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу ҳужжатда Минск ташаббуси асосан ижобий баҳоланиб, шу билан бирга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини шакллантиришда собиқ Иттифоқ субъектларининг тенг ҳуқуқли иштироки таъминланиши лозим эканлиги жуда тўғри таъкидланган. Биз ушбу Баёнотни имзолаган республикаларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли ҳаммуассислари бўлишга тайёр эканлиги ҳақидаги нуқтаи назарга тўла қўшиламиз. Аммо бу учрашувга, баъзи бир оммавий ахборот воситалари шошма-шошарлик билан қандайдир «мусулмонлар Иттифоқи» тузиш, деб бўрттириб кўрсатишга уринаётганларидек, салбий қараб бўлмайди. Ё бўлмаса уч «славян республикалари» Ҳамжамиятга бирлашиб олдилар, деб урғу бериш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Яъни бу масалаларга миллий ва диний тус бериш ёки тўн кийдириш мутлақо нотўғридир.

Бизнинг муносабатимизни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси суверен халқининг ўз давлат ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиёти йўлларини мустақил белгилаш ҳуқуқини таъминлаш ҳал қилувчи омилдир. Бу бизнинг Дастуримизнинг асосий бандларидан биридир. Партиямиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жаҳон ҳамжамиятида у муносиб ўрин олишини таъминлаш тарафдоридир.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу масала республиканинг ўзига хослигини, унинг иқтисоди ва асосан хом ашё етиштириш йўналишига мослаштириб қўйилганлигини, нуфус вазиятини ва экология муаммоларини назарда тутиш шарт эканлигини кўзда тутган ҳолда ҳал қилинади, деган умиддамиз.

Шунинг учун 29 декабрда бўладиган референдумга тайёргарлик жараёнида партиямизнинг барча бўғинлари ва тузилмалари бизнинг бу принципиал мақсадларимизни қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ режали сиёсий ишни тобора қизитишлари керак. Бу кун биз барча партия аъзоларини мустақил Ўзбекистон учун овоз беришга чақирамиз. Референдум саволига ижобий жавоб бериш Ўзбекистонда яшовчи, республика барча аҳолисининг, уларнинг жамиятдаги ўрни ва келиб чиқиши, миллати ва динга муносабати, касб-коридан қатъи назар, манфаатларига жавоб беришига ишонтирмоғимиз лозим. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш мақсадида йиғилишлар, оммавий сиёсий тадбирларни ташкил этишнинг ташкилотчилари бўлиш зарур.

Бу ишларнинг барчаси партия ташкилотларимизнинг республика кўпмиллатли аҳолисининг тотувлигини мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларда баъзан юзага келадиган кескинликни бартараф этиш юзасидан кўрадиган оқилона тадбирлари билан қўшиб олиб борилмоғи зарур. Бугунги кунда ҳаммамиз учун қадимий она заминимизда яшаб келаётган барча халқлар ўртасида бир неча ўн йиллар мобайнида таркиб топган яхши қўшничилик муносабатларимизни асраб қолишдан кўра ҳам хайрлироқ ва муҳимроқ мақсад бўлмаса керак!

Биздан аниқ муносабатни талаб этувчи навбатдаги масалалар гуруҳи бу — **республикамиздаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш-дир.**

Ҳозирча жумҳуриятимизда кўрилаётган тадбирларга қарамасдан, иқтисодиётдаги тангликнинг кучайишини тўла равишда бартараф қилиш имкони бўлмаяпти. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги вазиятнинг чиғаллашиши давом этиб, жумҳурият иқтисодиётида тобора сезиларли акс этмоқда.

Афсуски, Иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани амалга ошириш изчил боряпти, дея олмаймиз. Шартномани имзолаган суверен давлат ўртасидаги ўзаро ишончсизликка тўла барҳам берилгани йўқ. Оғизда ҳамма тангликдан чиқиб олиш учун ўзаро келишиб ҳаракат қилиш тарафдори, амалда эса ҳамжамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳолича иш юритмоқда. Республикалараро органларнинг мувофиқлаштирувчи роли кўзга ташланмаяпти.

Акс ҳолда, жумҳуриятимизга етказиб берилиши керак бўлган фақат машинасозлик буюмлари, қурилиш ва бошқа тармоқ жиҳозлари эмас, балки энг зарур моллар ва озиқ-овқат маҳсулотларини юборишдаги узилишларни ҳам қандай изоҳлаш мумкин? Натижада шундай ҳам камбағал бўлган истеъмол бозори тобора ночорлашмоқда. Барча моллар ва маҳсулотларга талаб кескин ошиб кетмоқда. Иш шу даражага бориб етдики, баъзи жойларда кундалик истеъмол маҳсулотларининг етишмаслиги кўзга ташланмоқда. Натижада колхоз бозорларида, матлубот ширкатлари ва тижорат дўконларида нарх-наво жуда кўтарилиб кетди. Турмуш кечириш тобора қийинлашмоқда. Одамларнинг сабр-бардоши тугаётганидан муайян сиёсий кучлар бузғунчилик мақсадида фойдаланиб, кескин ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқаришлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳозироқ ушбу танглик ҳолатларини жумҳуриятлар раҳбарларига ва бизнинг партиямизга айб қилиб тўнкаётган овозлар эшитилмоқда.

Шундай бўлишига қарамасдан, республика халқи меҳнат қиляпти, маҳсулот ишлаб чиқаряпти, ўзининг шартнома мажбуриятларини бажаряпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини иложи борича бартараф этиш учун барча зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Республика раҳбариятининг, хўжалик бошқаруви идораларининг куч-ғайратлари билан керакли миқдордаги ун, шакар, ёғ ва бошқа маҳсулотлар ғамлаб қўйилди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бизда ҳеч қандай очарчилик бўлмайди.

Шу билан бирга айрим сиёсий кучларнинг агар улар ҳокимият тепасига келишганида, ўқитувчилар ва шу каби тоифадаги айрим хизматчиларнинг маошлари тўрт—беш баравар оширилган бўлур эди, деган фикрлари ҳақиқатдан анча йироқ эканлигини одамларга ишончли тарзда тушунтириб бериш керак. Бу арбоблар фақат қоғоз пулнинг ўзи билангина кишиларни кийинтириш, едириб-ичириш мумкин эмаслигини билармиканлар? Устига-устак, бундай асоссиз ваъдалар ва ҳавойи фикрлар жараёнида ўқитувчилар, бошқа ташкилотларнинг ходимларини иш ташлашларга чақиришдек хавфли даъватлар ҳам эшитилмоқда. Ҳа, олдимизда турган ўтиш даври барчамиз учун ҳам осон бўлмаслиги аён. Зотан, республикамиз олдида турган мураккаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни иш ташлашлар ва майдонга чиқиб талаб қўйишлар билан ҳал этиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг аксарият аҳолиси буни яхши тушунади. Биз яна бир бор ҳаммани сабр-тоқатли ва бардошли бўлишга, ақл-идрок билан иш тутишга чақирамиз. Жамият барқарорлигига путур етиши, ўткир ижтимоий зиддиятлар ҳар бир оила ва ҳар бир кишининг фаровонлигини кўзлаб биз ҳаммамиз интилаётган мақсадларга эришишни фақат ортга суриб юборади, холос.

Шундай вазиятда бизнинг ташкилотларимиз бефарқ тура оладими? Албатта, йўқ. Партиянинг бевосита бошқарув вазифаларини бажаришдан воз кечиши ташкилотларимиз ва сайлаб қўйиладиган органларимиз ижтимоий-иқтисодий соҳадаги жараёнларни хотиржам кузатиши зарурлигини билдирмайди.

Бизнинг имкониятларимиз қандай? Саъйи-ҳаракатларимизни нимага қаратишимиз керак?

Биринчидан, барча поғонадаги партия ташкилотлари ўз амалий ҳаракатлари билан Президент ва жумҳуриятимиз ҳукуматининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш юзасидан тадбирларини жамоатчилик қўллаб-қувватлашига эришишлари керак.

Бюджетдан пул оладиган ташкилотлар, пенсионерлар ва ногиронлар, кам таъминланган оилалар учун қўшимча тўловлар юзасидан Президент чиқарган фармонлар ва ҳукумат қабул қилган қарорлар бўйича тушунтириш ишларини кенг қулоч ёздириш даркор. Фермер хўжаликларини янада мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва бошқа жумҳуриятлар билан икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича фармонларни ҳам кенг тарғиб қилиш керак.

Кишиларнинг фикрини, уларнинг мол-мулк аҳволини ҳисобга олиб, даромадларни индексация қилиш тўғрисидаги эълон қилинган қонун лойиҳаси юзасидан аниқ позиция ишлаб чиқишимиз керак. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жумҳурият парламентидаги депутатлар гуруҳи орқали бу Қонуннинг узилкесил матни ижтимоий адолат ақидаларига тўла жавоб беришини таъминлашга эришишимиз даркор.

Иккинчидан, бизнинг ихтиёримиздаги сиёсий воситалар ёрдамида давлат бюджети чексиз эмаслиги, унинг маблағлари ҳисобига аҳолининг кам ҳимояланган табақалари — пенсионерлар, кўп болали оналар, болалар, ўқувчилар ва талабалар, ногиронларнигина моддий жиҳатдан қувватлаш мумкинлигини кишиларга тушунтириш керак.

Айни чоғда жумҳуриятимизнинг ишга лаёқатли ҳар бир фуқароси фаровонлиги аввало унинг ўз ҳалол меҳнати натижаларига боғлиқдир. Шу ўринда партиямиз ишсизларни иш билан таъминлашнинг кафолатини юзага келтириш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш, юксак унумли меҳнатни моддий рағбатлантиришнинг тизимини юзага келтириш тарафдоридир. Соғлом тадбиркорлик ва ташаббускорлик ҳам қўллаб-қувватланиши керак.

Бу ўринда ҳам партия ташкилотлари бизнинг қатъий нуқтаи назаримизни нафақат тушунтиришлари, балки маҳаллий ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббускорлари ҳам бўлишлари лозим.

Биз корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар меҳнат жамоаларининг ўз маблағлари ҳисобига кишиларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини янада ошириш имкониятларини топиш юзасидан ташаббус кўрсатишларига кўмаклашишимиз керак. Партия ташкилотлари хайрия-эҳсон тадбирлари, ночор оилаларга, болалар уйлари, интернатлар тарбияланувчиларига моддий ёрдам кўрсатиш каби ишлар ташаббускорлари бўлишлари мумкин ва зарур.

Бу масалаларда биз бошқа сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни яна бир карра таъкидлаймиз. Халқнинг тўкин турмуш кечириши, ҳар бир инсон, ҳар бир оила муносиб моддий мавқега эга бўлиши учун курашаётганларнинг барчаси билан биз маслакдошмиз.

Ҳа, Дастурий ҳужжатларимизда, жамиятни ривожлантириш йўлларига нисбатан ёндашувларимизда, омма орасида иш олиб бориш усулларимизда бошқа сиёсий кучлар билан бизнинг орамизда фарқ бор ва бўлиши табиий ҳамдир. Бироқ масала Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига бориб тақаладиган бўлса, халқ фаровонлиги, ҳар бир фуқаронинг манфаати тўғрисида сўз юритиладиган бўлса, режаларимизни бирлаштиришимиз, ўзаро келишмовчиликларимизни эса унутмоғимиз лозим.

Учинчидан, биз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларга жойлардаги ҳукумат ва бошқарув ташкилотлари томонидан расмиятчилик асосида муносабатда бўлинаётганини кўздан қочирмаслигимиз керак. Одамлар айрим амалдорлар, уларнинг эҳтиёжлари ва таклифларига сансалорлик билан қараётганига доғ келмоқда. Баъзи жойларда эса порахўрлик, шундай ҳам чекланган истеъмол моллари очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, ҳукуматнинг энг оқилона ва ҳар томонлама пухта ўйланган фармонлари ҳам бошқарувнинг инсонга энг яқин, энг қулай доирасида барбод этилиши мумкин. Очиғини айтиш керакки, ушбу бўғиннинг айрим раҳбарлари ўзларининг масъулиятсиз ҳаракатлари сиёсий оқибатлари ҳақида ўйламаяптилар. Бу билан улар республика раҳбариятининг, ўзлари аъзо бўлмиш партиянинг шаънига соя ташлаётганликларини, халққа берилган ваъдалар бажарилмай қолаяпти, деган гумон туғилишига сабаб бўлаётганликларини англаб етмаяптилар.

Партиянинг биронта аъзоси ҳам бундай шармандали ҳолларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Партия ташкилотлари хабар топган бундай воқеаларнинг ҳар бири қаттиқ муҳокама қилиниб, ошкора айтилиши керак. Партиямиз аъзоси бўлган депутатлар, меҳнат жамоалари, кенгашлардаги вакилларимиз орқали биз айбдор шахслар жазоланишига, тартиб-интизом ўрнатилишига, ижтимоий адолатни тиклаш юзасидан тўла-тўкис тадбирлар қабул қилинишига эришишимиз зарур.

Кишиларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари билан бир меъёрда таъминлаш масалалари барча партия тузилмаларининг алоҳида диққат-эътиборида бўлиши керак. ХДП аъзоларининг маҳаллий ҳокимият органларидаги депутатлар гуруҳлари орқали ҳамда жамоатчилик назоратининг турли шаклларида қатнашиш йўли билан биз одамлар ўзлари учун белгиланган маҳсулот ва молларни олишда қийналиб қолмасликлари ва бу борада ишлашлар бўлмаслигига эришилмоғимиз керак. Бу масалаларда республика бўғинидан тортиб то маҳаллий кенгашларгача бўлган барча даражаларда бошқарув идораларидаги партия аъзоси бўлган ходимлар алоҳида масъулият, куч-ғайрат кўрсатишлари керак.

Биз сайловолди тадбирларининг энг масъулиятли, якунловчи қисмига қадам қўяяпмиз.

Республикамизда Президент сайлови биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Бизнинг номзодимиз Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов билан бир қаторда «Эрк» демократик партияси ҳам ўз номзодини қўйди. Номзодимиз халқнинг катта ишонч ва обрўсини қозонган ҳамда аҳолининг кўпчилигида унинг Президент бўлиб сайланишига шубҳа қолмаётган бўлса-да, биз хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Сайловгача қолган кунларда номзодимизни қўллаб-қувватлаш ва унинг сайловолди баёнотларини тушунтириш бўйича ташвиқий-тарғибий тадбирларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун И. А. Каримовнинг сайловолди кампаниясига мадад кўрсатадиган жойлардаги ташаббускор гуруҳларни мустаҳкамлашимиз, бу ишни миқдор жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам яхшилашимиз даркор. Партиянинг энг яхши кучларини — ҳаёт тажрибасига ва кишилар ўртасида обрўга эга бўлган, шунингдек Ўзбекистон ХДП аъзолари билан ишлаш малакаларини ўзлаштирган кадрларимизни ҳамда бизнинг мақсадларимизга хайрихоҳ бўлган партиясиз фаолларни жамлашимиз, номзодимизнинг ишончли вакиллари билан ушбу гуруҳлар ҳамкорлигини йўлга қўйишимиз керак.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва кенгашлари жойларда ташаббускор гуруҳларни И. А. Каримовнинг ҳаёт йўли, давлат ва сиёсий фаолияти ҳақидаги, унинг фармонларининг ҳар бир аниқ минтақада амалга оширилиш ижобий натижалар тўғрисидаги барча зарур материаллар билан таъминланиши лозим. Плакатлар, варақалар чиқариш, ташаббускор гуруҳлар радио ва телевидениеда чиқишлари ташкил этилиши керак, Ташвиқот учун йиғилишлар минбарларидан, давра суҳбатлари, жамоатчилик мунозараларини ташкил этиш имкониятларидан кенг фойдаланиш даркор.

Тарғиботчилик иши жуда холис ва ҳаққоний олиб борилмоғи даркор. Қийинчиликлар ҳақида индамаслик, одамларни тўлқинлантираётган энг ўткир масалалар ҳақида сўзламаслик мумкин эмас. Аксинча, ўтиш даврининг мураккабликлари ҳақида сўз юритганда бизнинг номзодимизнинг сайловолди дастури — бу аниқ — равшан дастур эканлиги ҳақида одамларга ишончли ва топқирлик билан, асосли тушунтирмоқ лозим. Ушбу дастур кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олиши, уларни фуқаролик тотувлиги ва миллатлараро аҳилликни мустаҳкамлаш, республиканинг фаровонлиги йўлида баҳамжиҳат ишлаш учун жипслаштиришга қодир эканлигини таъкидламоқ даркор. И. А. Каримов ҳам Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларни ҳамиша тотувликка даъват этиб келмоқда. У буни республика учун зарур бўлган ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг бош меъзони деб билади.

Шунга қарамай, муайян ижтимоий кучлар томонидан бизнинг партиямизга ишонқирамай, баъзан эса нохолис муносабат кўрсатилаётганлигини ҳисобга олиб, биз республика Президенти сайловлари ҳақидаги қонунчиликка риоя қилишга доир барча масалаларда ўта адолатли, пухта ва эътиборли бўлишимиз керак. Барча партия тузилмаларимизнинг, биз ташкил этган ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ишларини қонун нуқтаи назаридан ниҳоятда аниқ бўлиши керак ва сайловлар натижаларидан сўнг ҳеч ким бизнинг фаолиятимизга шубҳа-гумон билан қарашига сабаб қолдирмаслигимиз керак.

Ўз сиёсий ва тарғиботчилик ишимизда мухолифларимизга одоб билан муносабатда бўлишимиз, лекин шу билан бир қаторда улар билан мунозара қилишдан, дастурий низомлари ва аниқ-равшан фаолиятларини танқидий таҳлил этишдан қочмаслигимиз керак. Зеро, бизнинг партиямиз шаънига амалда у ташкил этилган пайтидан бошлабоқ айрим сиёсатчилар томонидан жиддий ва ноҳақ ҳужумлар қилинмоқда.

Бунга яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Демократик ислоҳотлар ҳаракати таъсис съезди айрим делегатларининг сўзларини мисол қилиб келтириш мумкин. Съездда илгари матбуотда қилинган хуружларни такрорланган ҳолда Халқ демократик партиясини таъсис этишнинг гўёки ноқонуний тусда эканлиги, гўё биз ҳокимиятда яккабошчиликни даъво қилаётганлигимиз ҳақидаги масалалар яна кўтарилди. «Эрк» партияси рўзномасида ҳам бизнинг партиямиз шаънига ана шундай «тошлар» отиляпти.

Шундай шароитларда биз ўз нуқтаи назарларимизни фаол ҳимоя қилишимиз керак. Биз ўз Дастуримизда бирор-бир сиёсий куч томонидан ҳокимиятда яккабошчилик қилинишига, фақат биз ҳақиқат ва адолатни айтамиз, дейиладиган ёндашувга мутлақо қарши эканлигимизни қатъий таъкидлаб қўйганлигимизни одамлар билмоғи лозим. Биз сиёсий келишмовчиликларни қарамақаршиликлар ва «душман қиёфаси»ни яратиш усули билан ҳал этиб бўлмаслигини қатъий қилиб айтганмиз ва ниҳоят, биз Президентликка ўз номзодимизни кўрсатар эканмиз, барча ижтимоий кучларни сайловолди кампанияси даврида республикада фуқаролар тотувлиги, миллатлараро уюшқоқлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан ўзаро келишиб ҳаракат қилишга даъват этдик. Бундан ташқари, биз уларга ривожланган қўппартиявийлик тизими мавжуд бўлган давлатлардаги каби «виждон битими» тузишни таклиф этдик.

Принцип жиҳатидан янги партиянинг ташкил этилиши — бу компартиянинг номини ўзгартиришдангина иборат бўлди, деган асоссиз фикрлар ҳамон айтилмоқда. Бу партия ҳам ўша ўз умрини яшаб бўлган усуллар билан ишлашни давом эттираяпти, Компартиянинг собиқ аъзоларини ХДП сафига мажбуран киритаяптилар, деган даъволар ҳам оз эмас.

Бу хуружларга қандай жавоб қилиш мумкин? Аниқ фактларга мурожат қилайликчи. Бугунги кунда Компартия аъзоларининг 273 минг нафари ХДП аъзоси сифатида рўйхатдан ўтдилар. Ҳолбуки, илгариги Компартия таркибида 660 минг нафардан зиёд коммунист бор эди. Шундай экан, қандай қилиб мажбуран янги партияга киритиш ҳақида гап бўлиши мумкин. Бинобарин, илгари ҳеч қандай сиёсий партиялар аъзолари бўлмаган, аммо ҳозир ХДП сафига кирган 80 мингга яқин кишига нисбатан бундай даъво адолатсизлик бўлмасмикин?! Биз эса бу одамлар ўз сиёсий йўлларини онгли равишда танлаб олдилар, деб тўла асос билан айта оламиз. Партиямиз сафига кириш ҳақида ариза бериш давом этмоқда. Бу — партиямизнинг Дастурий мақсадлари аҳолининг турли тоифалари ўртасида қўллаб-қувватланаётгани ва маъқулланаётганидан, ижтимоий базамиз кенгаяётганидан яқ-қол далолат беради.

Партия мулки ҳақидаги масала кўпларга тинчлик бермаяпти. Бизни Ўзбекистон Компартиясининг мулкини гўё ноқонуний тарзда эгаллаб олишда очиқчасига айбламоқдалар. Юридик нуқтаи назардан бу мутлақо асоссиз эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Лекин бизга мерос бўлиб ўтган мулкнинг барчасини ўз тассарруфимизда қолдиришга зарурат йўқ. Бу мулкнинг талайгина қисмини биз, сўзсиз, халқ хўжалигига бериб юборамиз.

Энди ички партиявий ишларимизда ҳозирги кунда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ҳақида.

Унинг асосий йўналиши — партия ҳамда унинг барча тузилиш бўғинларининг ташкилий жиҳатдан оёққа туриб олишини ниҳоясига етказишдан, сафларимизни муносиб вакиллар билан тўлдириш ҳақида қайғуришдан иборатдир.

Ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини тузиш бўйича ишларимиз ҳали фаоллик билан олиб борилаётгани йўқ. Парламент типидаги партия учун улар муҳим тузилмали бўғин эканлиги яхши англаб олингани йўқ. Ваҳоланки, сайлов ва референдумга тайёргарлик даврида бизнинг бу тузилмаларимиз сайлов участкалари ва мавзелари доирасида аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб боришда бизнинг таянчимиз бўлиши керак.

ХДПнинг жойлардаги кенгашлари партиялардан ҳоли ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган партия аъзоларини рўйхатга олиш масаласида ҳам тезроқ муайян қарорга келишлари зарур. Бундай аъзоларга уларнинг манфаатлари ва сиёсий тажрибасига мос иш топиладиган бошланғич ташкилотни танлашларида ёрдам кўрсатиш даркор.

Июл охиригача барча поғонадаги кенгашларда ХДП аъзоларининг депутатлар гуруҳларини ташкилий жиҳатдан тузиб чиқишни якунлаш керак. Уларнинг тегишли партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиботини, асосий иш йўналишларини аниқлаб олиш, улар орқали турмушнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, кадрлар масаласида сиёсий йўналишларни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Айтилганларни хулосалаб, Пленумнинг барча қатнашчилари эътиборини партиянинг барча бўғинлари ва ҳар бир аъзоси учун масъулиятли ишларга киришиш палласи келганлигига қаратишни истар эдик. Вазият ҳар биримиздан астойдил ва тўла куч билан ишлашни талаб этади.

Эътиборингиз учун раҳмат!

---

* **Маъруза қисқартириб эълон қилинмоқда.**

НОМЗОДНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ

Республикамиз тарихида илк бор ўтадиган Президент сайлови ва Ўзбекистон давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум куни яқинлашган сайин сайловолди тайёргарлик ишлари ҳам кучайиб бормоқда. Яқинда Тошкентнинг Бектемир райони оқсоқоллар кенгашида сайловчиларнинг президентликка номзод И. А. Каримовнинг ишончли вакили Тошкент давлат аграр дорилфунунининг доценти Шукур Темуров билан учрашуви бўлиб ўтди. Район маҳалла фаоллари, диндорлар ва фахрийлар иштирок этган бу учрашувда ишончли вакил Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг дастури ва режалари тўғрисида қисқача гапириб берди. Шундан сўнг сўз олган район фахрийлар кенгашининг раиси Р. Жабборов, масжид имоми Аҳмад қори, маҳалла кенгашининг раиси Я. Хайруллаев, «Биродарлик» маданият марказининг уйғур секцияси раҳбари А. Қўшмонов ва бошқалар И. А. Каримов олиб бораётган хайрли ишларни таъкидладилар.

А. ЖУРАЕВ.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КУПАЯДИ

Янгиер нон маҳсулотлари комбинати ишчи-хизматчилари йиллик режани муддатидан илгари уддалашди. Аҳолига 4 миллион 197 минг сўмлик нон ва нон маҳсулотлари етказиб берилди. Зиммадаги топшириқни ошиғи билан бажарган корхона аҳли қўшимча 156 минг сўм соф фойда олдилар.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ҳозир корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тадбирлари амалга ошириляпти. Эски жиҳозлар ўрнига замонавий ускуналар ўрнатилмоқда. Комбинат новвойлари йил охиригача истеъмолчиларга яна қўшимча 800 минг сўмлик бўрсилдоқ нонлар ёпиб бериш, умумий маҳсулот ҳажмини эса 5 миллион сўмга етказишга аҳд қилишган.

А. НОРҚУЛОВ.
Сирдарё вилояти.

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Андижон вилоятидаги 112 хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари маданий-маиший бинолар қурилишига эътиборни кучайтиришяпти. Яқинда колонна қурувчилари Марҳамат районидаги Умирзоқ Қорабоев номли жамоа хўжалигида 300 томошабинга мўлжалланган маданият саройини қуриб битказдилар.

Янги маданият саройида кутубхона, шахмат-шашка ва билярд ўйинлари ҳамда турли тўгараклар учун барча шароитлар яратилган. Ушбу саройни бунёд этишда колоннанинг Муроджон Жалолов бошлиқ қурилиш бригадаси ишчилари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Улар қурилиш объектида 420 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

А. ЖАББОРОВ,
Андижон вилояти.

Тил ҳақидаги қонун амалдами?

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ ТИЛДАН БОШЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниши билан миллий истиқлолимиз бошланган эди. Чунки истиқлол, миллий мустақиллик тилдан бошланади. Бу қонун Ўзбекистонни мустақил миллий давлат бўлиб олишига катта хизмат қилди. Негаки, ҳар қандай миллий мустақил давлат мустақил миллий тили билан тирик. Бу жиҳатдан тил ҳақидаги қонун ўзбек жамияти тараққиётининг янги халқчиллик даврини бошлаб берган ижтимоий-сиёсий инқилобий аҳамиятга молик сифат ўзгариши имконини яратди.

Хўш, бу антиқа имкониятдан қандай ва қай йўсинда фойдаланмоқдамиз, лўнда қилиб айтганда, бу «инқилобий аҳамиятга молик» қонун Ўзбекистон давлатида қандай бажарилмоқда? Бир сўз билан айтганда, бу қонун қониқарсиз бажарилмоқда. Нега ва нима учун?

«Нега?»сига аниқ жавоб топиш қийин: лоқайдлигимизданми? Танбаллигимизданми? Ҳаётга бефарқ бўлиб қолганимизданми? Миллий ғуруримизни йўқотиб, ўзлигимизни унутганимизданми? Балки, шуларнинг ҳаммаси сабабдир. Аммо «нима учун?»лигига сира тушуниб бўлмайди.

Не-не курашлар, тортишувлар, тўсқинларни енгиб, аранг эришилган қонун юзасидан дастлабки қизғин иш бошланди. Ҳамма жойда тил комиссиялари тузилди, давлат тилида иш юритиш ҳаракати қизиди, матбуот ҳам ишни қизитгандай бўлди. Аммо бирдан лопиллаб аланга олган ҳаракат аста-секин сўнишга тушди. Аммо ҳамма жойда эмас.

Ижобий мисолларни Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасидан бошламоқчиман. Чунки совет империяси даврида юқорига кўз тикиб, ундан нусха кўчиришга ўрганиб қолганмиз. Юқорининг намунаси ҳозир ҳам қудратли куч. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон ҳукумати кичикроқ бўлса-да, бошқаларга ўрнак бўладиган иш қилди. Вазирлар Маҳкамасининг ишини бевосита ташкил қилаётган вице-президент Ш. Р. Мирсаидовнинг қаттиққўллиги туфайли Вазирлар Маҳкамасида ҳамма иш давлат тилида — ўзбекча юритиляпти. Барча ёзишмалар давлат тилида қабул қилиниб, давлат тилида юборилмоқда. Албатта, Ўзбекистондан ташқари манзиллар бундан мустасно — қардош халқлар тиллари ҳам эътиборда. Керак бўлса давлат тилида ёзиб юборилаётган матнларнинг русча таржимаси ҳам илова қилинмоқда.

Собиқ «Пропуск бюроси» ўрнида «Рухсатхона» ёзуви пайдо бўлган. «Пропуск» сўзи «рухсатнома» билан алмашган, ички ёзувлар ҳам ўзбекча, қўнғироғингизга ҳам она тилида жавоб оласиз. Ҳукумат идораси эшиги олдида турган соқчилар ҳам кирувчиларни ўзбекона иззат-ҳурмат билан кутиб олишни одат қилибдилар. Қабулхоналарнинг котибаларидан тортиб, кўмакчи (референт) ва ёрдамчиларгача хушфеъл, ширинсўз, сертакаллуф бўлиб қолибдиларки, бу ўзгаришларнинг ҳаммаси миллий истиқлолимиз, мустақил давлатимизга ярашиб турибди.

Бу намунадан ўрнак олаётганлар ҳам йўқ эмас, оз бўлса-да бор. Масалан, ҳозирча «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги» деб аталувчи вазирлик ишини бунга мисол қилса бўлади. Унинг номига «ҳозирча» сўзини қўшиб ишлатишимнинг сабаби у вазирликнинг исми-жисмига монанд эмас, унинг номи ўзбекча атамалар номига айланиши керак. (Бу хусусда қуйироқда гап боради). Бу вазирлик раҳбарлари тил ҳақидаги қонуннинг бош масаласини тўғри тушуниб, тўғри ҳал қилибдилар.

Аввало, вазир Р. А. Гиниятуллин тил ҳақидаги қонунни ходимлар танлаш снёсатини ўзгартиришдан бошлаган. Ўзининг штатидаги беш ўринбосарининг учтасини давлат тили одамларидан танлаган, иккитасини Ўзбекистон шароитида ўсган, халқ тилида муомала қила биладиган маҳаллий ўрислардан тайин қилган. Ҳамма Бош бошқарма ва бўлимларга ҳам синалган ўзбек мутахассислар раҳбарлик қилмоқда. Вазирлик ҳайъати мажлислар батамом бўлмасада, асосан давлат тилида олиб борилади, мажлис баёнлари кейинги вақтда ўзбек тилида ёзиляпти ва магнитафон лентасига ёзиб олиняпти. Вазирнинг рус тилида гапирувчи ўринбосарлари Нисневич билан Сускин ўртоқлар ҳам ҳайъат мажлислари ёки маслаҳат йиғилишларини ўзбек тилида олиб боришни тажриба қиляптилар. Албатта, сифати қониқарли бўлмаса-да, бу ишга уриниб кўришнинг ўзи ижобий ҳаракат. Уларнинг ўз камчиликларини сезиб олишга магнитафон лентаси ёзувлари ҳам кўмак бўляпти.

Вазирлик таржимонлар хизматидан воз кечибди. Бўлимлардан чиқадиган хат, хабар, барча қоғоз бир йўла ўзбек тилида чиқади. Рус тилида юборилиадиган, қабул қилинадиган ёзишмалар ҳам ходимлар томонидан ёзилади ёки ўзга тилга ўгирилади. Ҳамма бошқарма ва бўлимлар ўзбекча машинкалар билан таъминланган. Идора ходимлари Вазирлар Маҳкамаси ўрнатилган тартибдан андоза олиб ишламоққа бошладилар.

Бироқ бу вазирлик ҳам кўпгина вазирлик ва идораларга ўхшаб жойларга рус тилида телеграммалар юбормоқда. Чунки марказий телетайп ўзбекчалашгани йўқ ва ўзбек тилидаги матнни қабул қилмайди. Бинобарин, давлат тилида иш юритишга маълум даражада тўсқин бўлаётган марказий телетайп ҳам ўзбекчага ўтиши керак.

Вазирликнинг яна бир иши менга маъқул тушди. Вазирликка қарашли барча сув иншоотларининг номлари русча ёзиларди. Ҳозир уларнинг номлари аслида қандай бўлса ўшандай қилиниб, яъни сув омборлари, каналлар, кўтармалар, сув тақсимлагичлар тарихий жойлар номига мослаб қайта тикланди. Бироқ вазирликнинг номи ҳақида ҳеч ким ўйлагани йўқ. Унинг исми-жисмига монанд эмас. «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги» дейилиши ўзбекча ном эмас, чала туғилган ном. «Мелиорация», «Ирригация» ишларининг макони Ўрта Осиё айниқса, Ўзбекистон ҳисобланади. Аслида мелиорацияни ўзбеклар «ер таркибини яхшилаш» деб юритганлар. «Ирригация»ни ҳам «сув тармоқлари» деб биламиз.

Бас шундай экан, бу вазирликнинг номи «Ер таркиби ва сув тармоқларини яхшилаш вазирлиги» дейилса исми-жисмига монанд бўлур эди. Вазирликларнинг номлари уларнинг қиладиган ишларини кўрсатиб турувчи атамалардан ташкил топмоғи лозим.

Шу жиҳатдан янгитдан қўйилаётган номлар, айниқса, бизни қониқтирмайди.

Тошкентда қишлоқ хўжалик институти бор эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан у дорилфунунга айланди ва унинг номи нима учундир агро дорилфунуни деб қўйилди. Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил давлат бўлиб, миллий тилимиз давлат тили деб эълон қилингандан кейин ташкил қилинган дорилфунуннинг бундай ном олиши мутлақо беўхшов иш бўлди. Дорилфунуннинг раҳбари Шайхов билан суҳбатда унинг номи деҳқончилик дорилфунуни бўлишини маслаҳат қилган эдик. Шу тавсияга у киши ҳам қўшилган эди. Бир вақт қарасам, «Деҳқончилик» ўрнига «Агро» пайдо бўлибди-да «Агродорилфунун» дейилибди. Бу нимани аломати — ўз тилимизни менсимасликми ёки тил билмаслик аломатими? Ўйдирма, улама ном кимга керак?

Шунингдек, қайтадан ташкил қилинган деҳқончиликка илмий хизмат қиладиган академияга ҳам Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академияси» деб уйдирма, қуроқ ном берилибди. Деҳқончиликка бош-қош бўладиган вазирликнинг номи ҳам уйдирма, таржимадан ясама ном билан «Қишлоқ хўжалик вазирлиги» деб келинмоқда.

Аслида «Қишлоқ хўжалик» сўзлари совет империяси даврида ўрисча «Сельская хозяйство» сўзларидан таржима қилиниб, лексиконимизга зўрлаб киритилган сунъий атамадир. Унда на мантиқ ва на ҳақиқат бор. Қишлоқнинг шаҳарникига ўхшаш ўз хўжалиги борми? Йўқ. Шаҳарнинг ўз аҳолисига хизмат қиладиган катта хўжалиги мавжуд: метро, трамвай, троллейбус, такси, юк автоколонналари, умумлашган уй — жой, газопровод, водопровод, электростанцияси, манший хизмат тармоқлари ва ҳакозолар. Қишлоқда-чи? Қишлоқнинг ҳеч қандай хўжалиги йўқ. Мулк давлат ёки жамоа хўжаликларига қарайди, уйлар деҳқон оилаларининг шахсий мулки. Қишлоқ шўросининг ҳам ўз хўжалиги йўқ. Бинобарин, «қишлоқ хўжалиги» атамаси ҳақиқат эмас, у ўгай нарса. Демак, тирикчилигимизга ярайдиган жами нози-неъмат ила саноат хом ашёси — деҳқончилик махсули.

Шу асосда «агропром»ни «деҳқончилик саноати», «қишлоқ хўжалик маҳсулоти»ни «деҳқончилик маҳсулоти» деб айта бошладик ва бундан ҳамма ҳурсанд. Аммо ҳаёт ҳақиқати ярим йўлда қолиб кетяпти ва баъзан орқага қайтиш бўляпти, «Агро дорилфунун», «қишлоқ хўжалик фанлари академияси», «қишлоқ хўжалик вазирлиги» мантиқан ва мазмунан ҳақиқат атамалари-ю ҳаётий номлар эмас. Улар «деҳқончилик дорилфунуни», «деҳқончилик илмлари академияси», «деҳқончилик вазирлиги» деб аталса асил ҳақиқат бўлади.

Бу ҳақиқатни инкор қилувчилар «деҳқончилик» сўзи дорилфунун, академия, вазирликнинг миқёси, кўламини торайтириб қўяди, ахир улар чорвачилик билан ҳам шуғулланадиларку» демоқдалар. Бундай мулоҳазалар ҳам ҳаёт ҳақиқатини тўла англамасликдан, турмушни билмасликдан келиб чиққан юзаки ва шахсий мулоҳазалардан бошқа нарса эмас.

Табиий ҳақиқат шундоққина, бизни едириб, ичирадиган, кийинтирадиган жами табиат мевасининг ота-онаси битта, у ҳам бўлса, деҳқончилик. Саноатда бўлгани каби деҳқончилик ҳам соҳалар ва тармоқларга бўлинган. Масалан, ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, пиллачилик... Ўз навбатида бу соҳалар ҳам ички тармоқларга бўлинади. Мисоллар, ғаллачиликнинг ўз буғдойзори, макказори, арпаси, лалмиси, сулиси... Боғдорчиликнинг узумчилиги, олма, ўрик, ёнғоқчиликлари бор. Чорвачиликка келсак, унинг ҳам йилқичилиги, сутчилиги, сўқимчилик, қўйчилик, эчкичиликлари, парандачилик ва наслчилик тармоқлари мавжуд. Шуларнинг ҳаммаси она ерда битади ва уларнинг табиий тўплама номи «деҳқончилик» деб улуғланади.

Деҳқон оиласини олайлик. Ўрта деҳқоннинг ер-суви, от-улови, соғин сигири, қўй эчкиси, товуқлари, ўзига яраша боғи бўлиб, деҳқончиликнинг жами соҳаси ва тармоғи бир рўзғорга хизмат қиларди. Ҳозир ҳам шундай! Демак, деҳқончилик яхлит, улуғ ва мутлоқ ном. Уни ислоҳ қилиб ўзгаритиб бўлмайди!

Шўро даврида таржима тили бўлиб қолган ва «зонал тил»га айланиб бораётган ўзбек тили халқимизнинг, айниқса, зиёлиларимизни соқов қилиб қўяёзди. Хайрятки, кечикиб бўлса ҳам, унинг олди олинди, она тилимизга ўз ҳуқуқи қайтариб берилди, бироқ бу ҳуқуқдан фойдаланиш жараёни бошбошдоқлик ботқоғига шўнғиб кетди. Натижада тилимиз янгитдан бузилиб кетяпти. Бузилиш атамалар чалкашиб кетаётганида ҳам яққол сезилмоқда. Ўзбекчалаштирамиз, деб арабча, форсча, тожикча, лотинча сўзлар ишлатиляптики, одамлар уларни ҳазм қилолмаяптилар. Олий Кенгаш мажлисида ноҳиями, туманни деган бир атама устидаги узоқ тортишув ҳам шундан далолат.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан кейин ҳуқуқи тикланган кўпгина атамаларимизни халқ дарҳол қабул қилди. Аммо айрим чаламулла билағонлар томонидан сиркалатиб юборилган тайёра, тайёрагоҳ, олийгоҳ, рўзнома, ойнома сингарилар халққа сингиб кетолмаяпти. Бунинг устига журнал сўзини ойлик битик, жарида, каби ўн иккита атама билан юритяптилар. Одамлар буларнинг қайси бири ҳақиқат эканини тушунолмай гаранг бўлмоқдалар. Айниқса, техник ва маъмурий атамалар, олий мактабларнинг атамалари чалкашиб кетмоқда. Исми-жисмига монанд бўлмаган мантиқан ва мазмунан қарама-қарши уйдирма номларни атама деб жорий қилмоқдалар.

Мисоллар жуда кўп. Мен фақат бир-иккитасини айтиб ўтмоқчиман. Янги атама яратувчилар «гоҳ» қўшилмасини тиркаб, атамалар яратиш шайдоси бўлиб қолганга ўхшайдилар. Олийгоҳ, манзилгоҳ, гоҳ.... гоҳ... жой маъносини билдирадиган бу «гоҳ», билиб билмай, ўринли — ўринсиз ишлатилиши натижасида маъносиз ва мантиқсиз «атама»лар тилга киритиляпти. «Олийгоҳ» дегани олий ўқув юрти, олий мактаб тушунчасини бермайди, балки «олий жой» дегани бўлади. Хўш, «олий жой» билан «олий мактаб», «олий ўқув юрти»нинг неча пуллик алоқаси бор?! Тошкентдаги бир тарихий майдонни «жангоҳ» дер эдилар. Жанг майдони, жанг бўлиб ўтган жойни билдирарди. «Манзилгоҳ» дегани нимани билдиради? «Манзил» ҳам жой, «гоҳ» ҳам жой, «жойнинг жойи» дейишда қандай мантиқ бор? Адресни билдириш учун манзил, манзилим дейиш кифоя эмасми? Кифоя.

Ўз-ўзини танқид маъносида атамаларни тартибга солиш иши билан шуғулланадиган ҳукумат қошидаги қўмита «Атамашунослик қўмитаси» деб аталиши ҳам нотўғри. Чунки «атамашунослик» илмий текшириш йўналишидаги илмий ташкилотларга хос ном бўлиб, ҳукумат ишини юритувчи маъмурий ҳуқуқли тузукни билдирмайди. Шунинг учун уни «атамалар қўмитаси» дейилса мақсадга мувофиқ бўлиб тушади.

Вақт ўтиб боряпти. Аммо давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши тобора сусайиб кетяпти. Бу сусткашликдан ҳамма ташвишга тушган. Бу муҳим давлат ва халқ ишига барча бирдай жон куйдириб ҳисса қўшмаса миллий маданиятимиз бинобарин, мустақиллигимиз турғунликка учрайди. Мустақиллик ҳам, мустақил давлат ҳам тилдан бошланишини унутмайлик.

Иброҳим РАҲИМ,
Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш республика комиссиясининг аъзоси.

Косонсойдаги «чевар» маиший хизмат уйи чеварчилик цехи жамоаси аҳолига намунали хизматни йўлга қўйдилар. Жамоа аъзолари ўтган тўққиз ойда пландаги 496 минг ўрнига 585 минг сўмлик хизмат кўрсатдилар. Улар айниқса бажарилаётган ишларнинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу боисдан ҳам кўпчилик уларнинг хизматидан мамнун.

СУРАТДА: «чевар» маиший хизмат уйи тикувчиси Сабоҳатхон Баҳромова.

П. АКБАРОВ олган сурат.

● ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

ОЛТИН ОЛМА...

Мустақиллик йили деб тарих солномасидан ўрин олаётган 1991 йил ортда қоляпти. Қувонч ва ташвиш билан ўтаётган дамлар ҳар биримизни янги зафар сари элтяпти. Лекин бозор иқтисодиётига ўтилаётган шу кунларда муаммолар ҳам кўпаймоқда. Дўкон пештахталари бўм-бўш. Халқ истеъмоли моллари туйнукдан ўз «харид»ини топиб кетмоқда. Бу кўпдан-кўп аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётир. Енгил-елпи, жаранг-журуқ пул топаётган, бирни уриб бешга қўшаётган «ишбилармон» ниқоби остидаги устамонларнинг ҳатти-ҳаракати кўз олдимизда рўй беряпти. Бу ҳалол меҳнат қилаётган фидойи мураббийлар, шифокорлар ва бошқаларнинг ғазабини келтираётир.

Ҳа, халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган нақл бежиз айтилмаган. Шу дуони муқаддас билган фидойилар ўзларининг умрларини болажонларимиз тарбиясига, билимини оширишга бағишламоқдалар. Биз ёшларимизнинг тақдирини ана шундай кишиларга топширганмиз. Шу касб, шу меҳр туфайли эл эътиборини қозонаётган одамлар кўп. Улар — Қорақалпоғистонда, Хоразм диёрида Оролбўйи фожиасига қарамай, ёш авлодни бугунги кун нуқтаи назарида тарбиялашга интилмоқдалар. Улар — Фарғона водийсида ёш авлодга имон, инсоф, барака, каттага ҳурмат, кичикка иззат руҳида таълим-тарбия бермоқдалар. Шу нуқтаи назардан қараганда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбоновнинг мактаб, ҳунартехника таълими бораси-даги изланишлари диққатга сазовор. Биргина мисол. Бугун Т. Қурбонов Қува район халқ таълими ходимлари даврасида бўлса, хиёл ўтмай вилоят ўқитувчиларининг Каркидон даги дам олиш уйида дам олаётганлар ҳузурида маъруза, шу кунинг муаммолари хусусида мунозара ўтказади. Тушдан сўнг Қўқон сари йўл олади. Кечга яқин Фарғонадаги йиғилишга ошиқади. Унинг ҳар кунги иш фаолияти шундай. Лекин Қурбоновни аввало ўқувчилар тақдири қизиқтиради. Шу туфайли у тунлари илҳом билан ижодга ўтиради. Т. Қурбоновнинг «Одобнома» дарслиги шу туфайли юзага келди. Бугун шу дарсликни сўраб ва қайта нашр этилишини мурожаат этиб келаётган мактубларнинг мундарижаси кўпайиб бораётганлиги шундан.

Фидойи ўқитувчилар... Фидойи шифокорлар... Биз уларни ҳар қанча эъзозласак шунча оз. Лекин биз уларнинг мана шундай ҳалол меҳнатини улуғлаяпмизми? Бозор иқтисодиётига ўтаётган танг бир даврда фидойи меҳнаткашнинг меҳнати бош мезон билан баҳоланяптими? Улар истеъдодининг асосий томони кемтик бўлиб қолмаяптими? Шу куни қилаётган меҳнатига берилаётган маош адолатлими?

Афсуски, йўқ. Айрим муаллимларимизнинг фидокорона меҳнати ўз қадрини топмаяпти. Бундай текисчилик билан тўланаётган ҳақ уларнинг бу касбга бўлган ихлосини сўндираётир. Берилаётган маош билан бозор сари ошиққанда халтаси ярим бўлмаётганлиги ҳам шундан. Бунинг учун нима қилиш керак. Уларни ҳимоялаш йўлларидан қандай.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий тараққиёт, фан ва маданият бўлими мудири, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Б. Қодиров билан суҳбатимиз шу тахлитда давом этди.

— Кейинги йилларда республикамизда халқ таълимига сарфланаётган маблағ тобора кўпайиб бораётир, — деди Бахтиёр Асадуллаевич. —Худди шу мақсадда шу йилнинг ўзида бу соҳага 4,8 миллиард сўм сарфланаётганлигини айтиб ўтишимиз керак. Унинг 1,9 миллиард сўми ўқитувчиларнинг турли имтиёзлари учун, 1,4 миллиард сўми эса маошини ошириш учун ажратилмоқда. Келгуси йили бу маблағ анча оширилади. Чунончи, халқ таълими учун 10,9 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Унинг 2,4 миллиард сўми эса фақат маошни оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим муаммони айтиб ўтай. 1991 йили халқ таълими учун 3,9 миллиард сўм харажат қилиняпти. Шу маблағ билан айрим саноат корхоналарининг бинолари ҳам қурилган ва фойдаланишга топширилган эди. Келгуси йили бундай қилишга йўл қўйилмайди. Ижтимоий соҳаларнинг қурилиши учун 6,3 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, ўзимиз етиштирган ва ноёб хазинамиз бўлган олтинимиз ўзимизда қоляпти. Бу катта ютуқ, албатта. Афсуски, айрим одамлардан бозор муносабатларига ўтаётган ва шу кунлардаги танг аҳволда «Ноёб бойликлардан нега ўзимиз учун фойдаланмаяпмиз» деган овозалар эшитилмоқда. Бу гапда бирор асос бор, албатта. Лекин, олтинимизни соф ҳолда сотиш билан уни бирор бир буюм сифатида сотиш орасида анча фарқ бор. Биз олтинни ишлаб буюм сифатида сотсак 3-3,5 баробар кўп маблағ олган бўламиз. Шунинг учун Италиядан асбоб-ускуналар сотиб олинди. Ҳозир бу муаммони ҳал этиш устида изланиш давом этяпти.

Асосий бойлигимиз пахта толаси ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Республикамиз раҳбарияти аҳолини ҳимоялашнинг ҳар бир усул ва услубидан фойдаланяпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиняпти. Шу ўринда Украина ва Қозоғистондан олинаётган болалар боғчаси, мактаб ва шифохоналарга берилаётган гўштнинг ҳар бир килограмми сифатига қараб 18—25 сўмга тушаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Биз фидойи ўқитувчилар ҳақида фикр юритдик. Лекин айрим вилоят, шаҳар ва районларда номигагина дарс ўтиб, кунини ўтказиш пайидан бўлаётган, асоссиз шовшувларга қулоқ тутиб, уларнинг ортидан елиб-югураётган муаллимлар ҳам йўқ эмас.

Санда Зуннунова номидаги Бўз педагогика билим юрти директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Т. Низомов билан суҳбатимиз шу муаммода бўлганлиги бежиз эмас.

— Биз муаллимларни ҳақли равишда устоз деб атаймиз. Бу улуғ кишилар билан фахрланамиз. Лекин фидойи бўлиш осонми? Ўқитувчи дарсдан сўнг бирор бир рўзнома, жарида ёки китоб ўқийдими? Бўш пайтларида кутубхонада бирор соҳия ўтириб, ўзининг маънавий дунёсини оширадими? Кундалик воқеалардан хабардорми? Афсуски, йўқ! Айрим муаллимларимизнинг тобора бефарқ бўлиб бораётганлиги ҳаммани ташвишлантирмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг янада саёз билим олишларига олиб келаётир.

Фрунзе «ойнаи жаҳон»и томонидан соат 12 да кўрсатаётган олди-қочди фильмлари ҳам ўқувчиларни «ром» этиб қўйганга ўхшайди. Кўпгина мактаб ўқувчилари ана шу фильмларни кўриш учун мактабдан қочишга интиладилар. Худди шу хусусдаги фикрни Андижон район кашшофлар уйи раҳбари Нажмиддин Умаров ҳам билдирган эди.

— Биз болаларга етарли билим беролмаётганимиздан ўзимиз ҳам ўкинамиз, — дейди Бўз районидаги 2-ўрта мактаб муаллими М. Қурбонов. — Болалар ўн-ўн беш йил олдинги ўқувчилардан тубдан фарқ қилади. Чамаси, биз болаларни жиноятдан ушлаб туриш учунгина дарс ўтаётганга ўхшаймиз.

Бу фикрларда жон бор. Ўқитувчи, ўқувчи орасидаги мезон ҳақида жиддий ўйлашнинг пайти келди. Бу борада қилинаётган янгиликлар сархил мева беради деб ўйлаймиз.

Янги йил арафасида муаммолар тобора кўпайиб бормоқда. Шундай экан «Олтин олма, дуо ол» нақли ҳамиша ва ҳамма вақт ёдимизда бўлиши керак. Шундагина биз эъзозлаган ва эъзозлаётган фидойи муаллимларимиз, шифокорларимизнинг ва бошқаларнинг сафи ортиб боради.

М. ПИРМАТОВ.

● *Хат ортида инсон бор*

ОДАМЛАР САРСОН БЎЛМАСИН

Рўзнома таҳририятига сўнгги пайтда келаётган хатлар ичида шикоятлар бирмунча кўпайди. Уларни кўздан кечирган киши шикоятларда баён этилган муаммо ва камчиликларнинг асосий қисмини жойларда бемалол ҳал этиш мумкинлигининг гувоҳи бўлади.

Ваҳолонки, хат муаллифлари илгари райондаги ташкилотлар, раҳбар ўртоқларга бир неча бор мурожаат қилишган. Аммо ҳар гал ё уларнинг ҳақли талаблари рад этилган ё қуруқ ваъдалар билан қўйнилари пуч ёнғоққа тўлғазилган. Ана шундан сўнг мактуб муаллифлари юқори ташкилотларга, хусусан рўзномаларга мурожаат этишган.

— Қишлоғимиз аҳолиси ҳалол меҳнат қилиб юрт маъмурчилигига баракали ҳисса қўшишга ҳаракат қиляпти, — дейди форишлик Тўлқин Ўрозалиев. — Бироқ меҳнатига яраша ҳузур кўрмаётир, Айниқса, йўл азобидан қийналяпмиз. «Чорбоғ» қишлоғимиз К. Маркс номли совхознинг чеккасида жойлашган. Хўжалик ва район марказига қатнашга одамларнинг юраги безиллайди. Бир неча бор қилган мурожаатимизга жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам, район раҳбарлари ҳам амалий иш билан жавоб бериш ўрнига ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Талаб ўринли. Биз шуни назарда тутиб амалий чора кўриш учун хатни Фориш район ижроқўмига юбордик. Яқинда у ердан қуйидагича жавоб олинди:

— Халқ депутатлари Фориш район Кенгаши ижроия қўмитаси шикоят хат юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

К. Маркс номли совхознинг «Чорбоғ» қишлоғига борадиган йўлнинг ремонт-талаб эканлиги тасдиқланди. 1991 йилда К. Маркс номли совхозда жами 22 километрлик йўл қурилиши планлаштирилган. Булар Туроб, Соғишмон, Каттасой йўлларидир. Бу йўлларни қуриш навбати билан давлат хўжалиги маблағи ҳисобига амалга оширилади.

Жавобни қаранг! Муштарий Чорбоғ қишлоғи йўлининг ёмонлиги ҳақида шикоят қилмоқда. Райижроқўм раиси Т. Есимов эса бошқа йўллар қурилиши ҳақида гапириб, яна уларни 1991 йил планига киритилганлигини таъкидлаяпти. Агар жавоб декабрь ойида жўнатилганлигини ҳисобга олсак, унда шу йил қуриш мўлжалланган 22 километрлик йўлга ҳали қўл урилмаганлиги аён бўлади. Демак, «Чорбоғ» аҳолиси ёзда чанг, қишда лой бўлган ўйдим-чуқур йўллардан ҳали совхоз ва район тўралари олдига анча вақтгача қатнаши аниқ.

Хива районидаги «Партия XXII съезди» колхозида истиқомат қилувчи Абдушариф Жуманиёзовнинг мана бу мактубига эътибор беринг:

— Шу йил апрель-май ойларида бўлиб ўтган кучли ёмғирлар натижасида томорқаларимиздаги экинларнинг кўп қисми нобуд бўлди. Иморатларимизга жиддий зарар етди.

Халқ ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов бу гал ҳам жонимизга аро кирди. Унинг Фармонига мувофиқ ҳар бир оилага ёрдам сифатида уч юз сўмдан бериладиган бўлди.

Афсуски, орадан анча вақт ўтган бўлса-да ўзимиз учун лозим бўлган пулни тўла ололмаяпмиз. Наҳотки Фармон қабул қилинса-ю унинг ижроси таъминламаса!

Таҳририят бу мактубни Халқ депутатлари Хива район кенгаши ижроия қўмитасига юбориб қуйидаги мазмунда жавоб олди:

— Хива районида табиий офатдан зарар кўрган оилаларга 300 сўмдан ёрдам пули бериш учун давлат томонидан 4 миллион 147 минг сўм ажратилиши керак эди. Лекин ҳозирги шароитда жумҳурият бюджети қийин аҳволдалиги учун 1 миллион 907 минг сўм ажратилди. холос. Шунинг учун ҳамма фуқаролар тенг миқдорда пул олишини таъминлаш учун ҳар бир оилага 81 сўм 48 тийиндан пул тақсимланди.

Агар республика органлари томонидан лозим бўлган пулнинг қолган қисми ажратилса, райижроқўм қошидаги комиссия томонидан фуқароларга тақсимлаб берилади.

Жавобни ўқиб ҳайрон қолдик. Район раҳбарлари одамларга ёрдам беришга ҳаракат қилиш ўрнига қўшимча пулнинг берилишини кутиб ўтиришибди. Олма пиш, оғзимга туш, деб юравермай ҳаракат қилиш керак. Фаолиятсиз, боқибеғам, масъулиятсиз кишилар эл ичида ўзларининггина эмас, юқори органларнинг яхши ишлари, эзгу ниятлари обрўсини кетқазиб қўйишлари мумкин.

Рўзнома почтасида юқоридагига ўхшаш хатлар кўп. Биз шу каби мужмал жавобларни тез-тез эълон қилиб борамиз. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига панжа остидан қараб, эл назаридан тушмай, деганлар уларнинг шикоят ва аризаларига бундан буён эътиборлик билан муносабатда бўладилар, деб умид қиламиз. Чунки ҳар бир хат ортида инсон, унинг қувонч ва ташвишлари бор.

К. РИХСИЕВ.

ХУШХАБАРЛАР

● ХОРАЗМ вилоятининг Хонқа районидаги «Хонқаобод» кичик корхонаси почапўстинлар, пайпоқлар, қўлқоплар ва ҳатто тугмачалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу ерда асосан пенсионерлар ва уй бекалари ишлашмоқда. Улар уйда меҳнат қилишади, меҳнат натижаларига қараб маош тўланади. «Хонқаобод» районда ташкил этилган қирқта кичик корхона ҳамда кооперативларнинг биридир. Унда мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бу йил улар уч ярим миллион сўмлик маҳсулот чиқаришди.

● СИРДАРЁ ва Кемерово вилоятлари ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузишдилар. Кемероводан Ўзбекистонга дазмоллар, кир ювиш машиналари, иситувчи асбоблар, бинокорлик материаллари, шунингдек картошка келтирилади. Сирдарёликлар ўз навбатида Сибирга ўсимлик мойи, консервалар, мусаллас, пиёз ва қовун юборишади. Кемероволиклар ҳузурида бўлган сирдарёликлар уларнинг шаҳар хўжалигини бошқаришдаги тажрибасидан фойдаланиш ниятидадирлар.

(ЎзТАГ).

Оқ олтин районидаги Собиржон Сиддиқов номли давлат хўжалиги пахтакорлари мавсумни муваффақиятли якунладилар. Улар келгуси йил ҳосилига ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда. Шу мақсадда ариқ ва зовурлар тозалаб бўлинди. Ерларга маҳаллий ўғитлар чиқарилди. Айни кунларда қишлоқ хўжалик техникаси созланмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) илғор ишчилар Турсунбой Собиров, Бахтиёр Собиров, Усмонали Мамажонов, Ашурали Қодировлар янги режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ҳурматли муштарийларнинг ёдида бўлса, шу йилнинг бошида рўзномамизда «Оқлов» рукни очилиб, дастлабки туркум мақолаларда республикамизда 1984—1988 йилларда йўл қўйилган ноҳақликлар очиб ташланган, ҳақ ўрнида қарор топаётганлиги ҳимоя қилинган эди. Мазкур мақолаларда қонунсиз усуллар билан ишлаган тергов гуруҳининг бебошлиги оқибатлари хусусида мулоҳазаларга кенг ўрин берилган эди.

Ҳа, қайта қуриш деб аталган инқилобий жараёнининг дастлабки шамоли Узбекистон халқи бошига қақшатқич довул бўлиб келди. «Пахта иши» пуфлаб шиширилди, астасекин «ўзбек иши»га айлантирилди. Миллат обрўйига доғ туширишга уринишлар авж олди. Кўпдан кўп онлаларнинг тинчи бузилди. Минглаб онлар, қариялар ва болаларнинг оҳини тинглагувчи бўлмади.

Марказдагилар бу ҳолга ғоят эҳтиросли томошабин бўлдилар, холос. Боз устига турли минбарларда, телевизор экранлари ва матбуот саҳифаларида янги чиққан берияларни мақтаб тобора гиж-гижладилар.

Шамол тинса тинди, лекин қатаган тинмади. Ниҳоят «ўзбек иши»нинг илҳомчилари катта пойтахтда, цека ва сиёсий бюрода экани аён бўлиб қолгандан сўнггина масковлик терговчиларнинг қонунсиз ҳаракатлари тўғрисида гап очишга мажбур бўлдилар. Гдлян ва Иванов тергов гуруҳи фаолиятини текшириш бўйича дарҳол обрўли комиссия тузилди. СССР Олий Кенгашида 1990 йил апрелида бу терговчиларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида масала муҳокама қилинди.

Хўш, кейинчи! Мустақиллик шабадаси эсган Узбекистонда асосан сохта «пахта иши» бўйича қамалган кўплаб кишилар озодликка чиқдилар. И. А. Каримов ташаббуси билан махсус комиссия тузилиб мингдан ортиқ ноҳақ ўтирган одам оқланди.

Бироқ Гдлян ва Иванов деганларга чиқин чаққанчалик ҳам озор етказилгани йўқ. Ҳақиқ қарор топтириш учун Президентимиз, халқ депутатлари ва Узбекистон Республикаси прокуратураси раҳбарияти қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Айни пайтда Москвада яна шунга бутунлай тескари баҳо беришга уринишяпти Бугун шу масала юзасидан ишларнинг аҳволи билан ҳужжатлар асосида таништириш ниятимиз бор. Ҳужжатларни Узбекистон Республикаси прокурининг ўринбосари, учинчи даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Т. Қ. Мирзаев шарҳлайди.

АДОЛАТ БОРМИ?!

18/67812-89 рақамли жиноят ишига нега Москвада нуқта қўйилди?

ГУРУҲНИНГ ҲОМИЙЛАРИ КИМЛАР?

— Тоҳир Қамбарович, аввало бевосита ҳужжатларга ўтишдан олдин марказдан махсус тергов гуруҳи келиши зарурмиди, деган масалани янада ойдинлаштириб олсак?

— Яхши савол. Шуни билингки, саксонинчи йилларгача олдин ҳам қонунларимизда қўшиб ёзиш жиноят эканлиги, бунга яраша жазо берилиши ёзиб қўйилган эди. Демак, шундай жиноят нафақат пахта, балки бошқа мол ёки маҳсулотлар тайёрлаш тармоқларида табиийки рўй бериб турган. Чунки иқтисодий муносабатлар ўта марказлашган, юқоридан белгиланадиган режани бажариш шарт қилиб қўйилган шароитда шундай ишлар содир бўлган, албатта.

Республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, жумладан прокурорлар ҳам, бундай жиноятларни очиш, бевосита иштирокчиларни жазолаш билан шуғулланиб келишган. Бунга мисоллар йўқ эмас. Бироқ ҳеч қачон тергов ҳаракатлари шов-шувга айлантирилмаган, бирон бир терговчимиз ўзини ўзи кўз-кўз қилишга уринмаган. Бундан ташқари, қўшиб ёзиш, порахўрлик каби жиноят иштирокчиларининг оила аъзоларини, қариндош-уруғларини, ёр-дўстларини ноҳақ қамаб қўйиш усулларини оммалаштириш йўлидан бормаганмиз...

Марказдан катта ваколатлар билан таркибида юзлаб терговчи бўлган гуруҳни юбориб қонунчиликни мустаҳкамлаш эмас, бутунлай бошқа мақсадлар кўзлангани энди ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

— Гуруҳнинг келиши республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида қандай кутиб олинган?

— Биз яшаган гузум тартиботлари шароитида марказдан келган ҳар қандай вакилга муносиб эътибор кўрсатиларди. Чунки катта пойтахтдан, юқори идорадан келган мутахассиссидан кўп нарса олиб қолиш, тажриба ўрганиш мақсади бўлган. Гдлян билан Иванов гуруҳи аввалига шундай ўй-фикрлар билан кутиб олинди. Лекин айни пайтда Шароф Рашидович вафотидан кейинроқ республика партия, шўро ва хўжалик соҳаларига раҳбарликка КПСС МК томонидан кўпдан-кўп ходимлар юборилганини, ҳуқуқий идоралар ҳам бу «марҳамат»дан четда қолмаганини айтиш ўринлидир. Республика прокурори, унинг муовини, вилоят прокурорларининг биринчи муовинлари ва туманлараро прокурорлар ҳам ўзларининг ҳаракатлари ҳақида ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмасдан, ишларнинг ҳаракатини ва ҳаракатсизлигини ҳеч ким ҳеч нарсага ҳисобламаган, ҳеч кимга ҳисобот бермаган, ҳеч кимга ҳисобот бермаган, ҳеч кимга ҳисобот берм